



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ ҚАРОРИ

**Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида
амалга ошириладиган солиқ назорати тадбирини видеотасвирга олиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қиласди:

1. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга ошириладиган солиқ назорати тадбирини видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б. Мусаев



Тошкент ш.,
2019 йил “27” НОЯБРЬ
2019-58-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг
2019 йил 27 ноябрдаги
2019-58-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар
фаолиятида амалга ошириладиган солиқ назорати тадбирини
видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан давлат солиқ хизмати органлари (бундан буён матнда солиқ органи деб юритилади) томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шаклларда амалга ошириладиган солиқ назорати тадбирини видеотасвирга олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

солиқ назорати тадбири – Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўловчиларда солиқ назоратининг айрим шаклларида амалга ошириладиган тадбирлар (бундан буён матнда назорат тадбири деб юритилади);

видеотасвирга олиш мосламалари – видеотасвирга олиш қурилмалари, жумладан видеокамералар ва видеотасвирга олиш имконини берувчи бошқа қурилмалар;

видеотасвирга олиш жараёнининг иштирокчилари (бундан буён матнда иштирокчилар деб юритилади) – солиқ органининг ходимлари, солиқ тўловчилар ҳамда уларнинг вакиллари ва бошқа шахслар (назорат тадбирига жалб қилинган мутахассислар, эксперtlар, таржимонлар, зарур ҳолларда холис ва харидорлар);

видеотасвирга олиш – солиқ органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосарининг буйруғига асосан иштирокчилар томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга ошириладиган назорат тадбири жараёнини видеотасвирга олиш мосламаларидан фойдаланган ҳолда кузатиш ва қайд этиш (тасвирга олиш).

2. Солиқ органлари томонидан солиқ түловчилар фаолиятида амалга ошириладиган солиқ назорати жараёнини, далилларни қайд этиш учун назорат тадбирлари жараёни видеотасвирга олинади, бундан норматив-хукукий хужжатларда видеотасвирга олиш тақиқланган муайян тартибга бўйсунувчи объектлар мустасно.

3. Солиқ органлари томонидан солиқ түловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумот солиқ сирини ташкил этади, бундан қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно. Солиқ органига келиб тушган, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар саклаш ва фойдаланишнинг маҳсус режимига эга бўлади.

2-боб. Видеотасвирга олиш жараёни иштирокчиларининг хукуқ ва мажбуриятлари

4. Назорат тадбирини видеотасвирга олиш жараёнида солиқ түловчилар ва уларнинг вакиллари қўйидаги хукуқ ва мажбуриятларга эга:

а) солиқ түловчилар ва уларнинг вакиллари хукуклари:

солиқ органининг назорат тадбирини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи билан танишиш;

назорат тадбири якуни бўйича олинган видеотасвир маълумотларидан нусха олиш;

солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

солиқ органлари мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган заарнинг ўрни қопланишини талаб қилиш;

солиқ органи томонидан амалга ошириладиган назорат тадбири жараёнини видеотасвирга олиш;

б) солиқ түловчилар ва уларнинг вакиллари мажбуриятлари:

назорат тадбирини солиқ органи томонидан видеотасвирга олиш учун шароит яратиш;

солиқ органи мансабдор шахсларининг назорат тадбирини видеотасвирга олишига тўсқинлик қиласлик;

солиқ органи ходимларининг талабига кўра назорат тадбири якуни бўйича олинган видеотасвир маълумотларидан нусха бериш.

5. Видеотасвирга олиш жараёнида солиқ органининг мансабдор шахслари қўйидаги хукуқ ва мажбуриятларга эга:

а) солиқ органи мансабдор шахсларининг хукуклари:

солиқ органи томонидан амалга ошириладиган назорат тадбири жараёнини солиқ түловчи ёки унинг вакиллари ва бошқа шахслар иштирокида видеотасвирга олиш;

солиқ түловчидан видеотасвирга олиш жараёнининг түлиқ амалга оширилишига тўскинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этишини талаб қилиш;

назорат тадбири якуни бўйича солиқ түловчи ва унинг вакиллари томонидан олинган видеотасвир маълумотларидан нусха олиш;

б) солиқ органи мансабдор шахсларининг мажбуриятлари:

иштирокчиларни назорат тадбирини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириш;

назорат тадбири жараёнида солиқ түловчи ҳамда унинг вакиллари ва бошқа шахсларга видеотасвирга олиш билан боғлиқ хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

солиқ түловчи ёки унинг вакиллари талабига кўра солиқ назорати тадбири якуни бўйича олинган видеотасвир маълумотларидан нусха бериш;

солиқ түловчи ва унинг вакиллари фаолиятига алоқадор ахборотларни бошқа шахсларга ошкор этмаслик, бундан қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;

солиқ түловчи ва унинг вакилларининг назорат тадбирини видеотасвирга олишига тўскинлик қилмаслик.

6. Видеотасвирга олиш жараёнининг иштирокчилари бўлган бошқа шахслар куйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга:

а) видеотасвирга олиш жараёни иштирокчилари бўлган бошқа шахсларнинг хукуклари:

videotasviroq olish jaraenining sabablari bilan taniishi;

videotasviroq olinishi yozasidan yuz e'тиrozlarini bildiri;

б) видеотасвирга олиш жараёнининг иштирокчилари бўлган бошқа шахсларнинг мажбуриятлари:

солиқ органи мансабдор шахсларининг назорат тадбирини видеотасвирга олиш жараёнига тўскинлик қилмаслик;

назорат тадбири жараёнида ўзига маълум бўлган солиқ түловчи ва унинг вакиллари фаолиятига алоқадор ахборотларни бошқа шахсларга ошкор этмаслик, бундан қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

3-боб. Назорат тадбирларини видеотасвирга олиш

7. Назорат тадбирлари жараёнини видеотасвирга олиш солиқ органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосарининг назорат тадбирини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи асосида амалга оширилади.



8. Солик органи томонидан қуидаги назорат тадбирларининг видеотасвирга олинишига йўл қўйилади:

солик солиш обьектларини ва солик солиш билан боғлик обьектларни хисобга олишда;

хронометраж кўздан кечиришда;

хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг хисботдаги сонининг ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингда;

солик текширувларида;

мавзули экспресс-ўрганишда;

фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллашда;

акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни марказлашда;

солик мониторингда.

9. Амалга ошириладиган назорат тадбирида қуидаги жараёнлар видеотасвирга олинади:

солик тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солик солиш обьектлари билан боғлик худудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо ҳамда бошқа биноларини, шу жумладан жойларни кўздан кечириш, шунингдек солик тўловчининг мол-мулкини инвентаризациядан ўтказишида;

солик тўловчи ёки унинг вакиллари томонидан содир этилган хукуқбузарлик фактини қайд этишида;

назорат хариди билан бошланадиган текширишларда харид кузатувини амалга оширилиши, назорат касса машинаси (виртуал касса) ҳамда тўлов терминаллари кўрсаткичи бўйича хисботларни олиниши ҳамда кассадаги пул маблағларини саноқдан ўтказилиши жараёнини кузатишида;

солик тўловчи ёки унинг вакиллари томонидан текшириш билан боғлик бўлган хужжатлар тақдим этилмаганда;

солик тўловчи ёки унинг вакиллари томонидан текшириш хужжатларига имзо қўйишдан бош тортилганда;

солик тўловчи ҳамда унинг вакиллари ва бошқа шахслар томонидан солик назоратининг амалга оширилишига тўскинлик қилинганда;

соликка оид хукуқбузарлик предметлари (буюм ва хужжатлар), иш бўйича ашёвий далиллар олиб қўйилганда;

солик тўловчи ёки унинг вакилларининг талабларига кўра;

зарур бўлганда хужжатлар нусхаларини тайёрлашда ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларда.



10. Назорат тадбирини видеотасвирга олиш солиқ тўловчиларнинг қонуний фаолиятини тўхтатиб қўймайдиган ва фаолият кўрсатишига зиён етказмайдиган тарзда амалга оширилади.

11. Видеотасвирга олиш вақти назорат тадбирида солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиши объектлари билан боғлик худудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо ҳамда бошқа биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш, шунингдек солиқ тўловчининг мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиш, ишга доир ашёвий далилларни, предметларни (буюм ва хужжатларни) олиш жараёни давомийлигига амалга оширилади.

12. Солиқ органи томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга ошириладиган назорат тадбири жараёни видеотасвирга олинган ҳолларда холисларнинг иштирок этиши талаб этилмайди, бундан қонун хужжатларида кўрсатилган ҳоллар мустасно.

13. Назорат тадбири натижаси бўйича тузилган далолатномада (баённомада, маълумотномада) тадбир жараёнини видеотасвирга олиш мосламаси (курилманинг русуми ва серия рақами), видеотасвирга олинган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

14. Солиқ органи томонидан амалга оширилаётган назорат тадбири жараёнини видеотасвирга олишда солиқ тўловчи ёки унинг вакиллари, шунингдек бошқа шахслар томонидан тўсқинлик қилинганда ва қаршилик кўрсатилганда солиқ органи ходими мазкур ҳолат юзасидан далолатномани (баённомани) расмийлаштириб, тегишлилиги бўйича хуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларини назорат тадбирида иштирок этишга жалб қилиши мумкин.

4-боб. Назорат тадбирларида олинган видеотасвир маълумотларидан фойдаланиш

15. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга оширилган назорат тадбири жараёнида олинган видеотасвир маълумотлари назорат тадбирлари натижаси бўйича расмийлаштирилган хужжатлар билан бирга алоҳида сакланади.

16. Иштирокчилар томонидан солиқ тўловчиларнинг фаолиятида амалга оширилган назорат тадбири жараёнида олинган видеотасвир маълумотларидан ушбу назорат тадбирлари натижаларини кўриб чиқиш, солиқ органлари томонидан қарор қабул қилиш, шунингдек суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кўриб чиқишида фойдаланиш мумкин.

G1*02
TKAZIL
XATID
AVLAT
LIKASI

17. Назорат тадбирларида олинган видеотасвир маълумотларидан хизматдан ташқари мақсадларда фойдаланиш, ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келадиган тарзда тарқатиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат тадбирларида олинган видеотасвир маълумотларидан профилактика мақсадларда солиқ тўловчига нисбатан қонуний чора кўрилгандан сўнг оммавий ахборот воситаларида ёритиш бундан мустасно.

5-боб. Якунловчи қоидалар

18. Солик органи томонидан ўтказиладиган назорат тадбирларини видеотасвирга олиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

20. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Савдо-саноат палатаси раиси

2019 йил 27 “НОЯБР”



А. Икрамов

